



Tarbiya



6-son(34)

2010

ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК



Ватан остонадан, инсоннинг киндик қони тўкилган туپроқдан бошланали. Халқимизда ишлатилган «Ватани севмоқ имондан дир», деган ҳикмат муқаддас маъно-мазмун касб этиб, ундан инсон ўзи туғилиб ўтган юрти, ёр-дўстлари ва яқинлари, Ватанини сезиши ва уни ардоқлаши юрсак мақомга эгаллигини англаш мумкин. Мухаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Қафқол Шоший, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби буюк аждождаримиз ҳам Ватанга бўлган кучли муҳаббатлари тўғайли ўзларининг таҳаллусларини киндик қони тўкилган юрт номли билан боғлаганлари ана шундай эътироф ва эътиборнинг ўзига хос ҳаётий-амалий ифодаси ҳисобланали. Бундай мисоллар таъсирида бизда ҳур ва осойишта юрт тақдирига дахлдорлик тўғуси жўш урини табиий, албатта. Шу ўринда эл-юрт тақдирига дахлдор бўлган тарихий хотира ва тинчлик-осойишталикка алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Юртимизда Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида буюк аждождаримиз хотирасини тақлаш,

уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эму анъаналардан бирига айланди. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки халқимизнинг кўннинг йиллик тарихи аждождаримизнинг юрт озолиги ҳамда тинчлиги йўлида юрсак матонат ва мардлик намуналарини кўрсатишганидан далолат беради.

Аёл бўлишига қарамай матина Тўмарис Ватан учун жангга кириб, босқинчиларни тор-мор қилгани, Широқ кучли ақдироғи ва ботирлиги билан душман кўшинларини сўзсиз қўлу биёбонларга маҳф этгани, Спитамен бошчилигида юрт мудофаасига бел боғлаган аждождаримиз озолик ва мустақилликни ҳимоя қилиб, юрсак мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлари бизда чексиз гўрур, фахр ва ифтихор тўйғуларини уйғотади.

Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодир. Ана шундай муҳаббат Жалолидин Мангубердини тақдирнинг оғир зарбаларига дош беришга, метин ирода ва ҳарбий салоҳиятни намоиш этиб, чингизийлар билан мурасасиз кураш олиб боришга унлаган эди.

Кубровия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубронинг «Ё ҳаёт, ё шарофатли ўлим» дея ганимга қарши жангга кириб, мардларча ҳалок бўлгани эса, Ватан озодлиги, мустақиллиги, юрт тинчлиги ҳамма нарсадан улуглигини кўрсатувчи ёрқин ҳаётий мисол бўла олади.

Ана шундай ватанпарвар аждодларимиз хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида 2000 йили Юртбошимизнинг ташаббуси билан гўзал Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. 2010 йил 31 августда мазкур масканда бўлиб ўтган маросимда иштирок этган давлатимиз раҳбари: «Биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатагон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бутунги тинчосуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта», деб таъкидлади.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида

илдамлаб бораётган мустақил Ўзбекистон тарихан жуда қисқа даврда улкан ютуқларга эришди ва эришмоқда. Миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз тикланди, миллий ўзлигимизга қайтдик. Президентимиз табири билан айтганда, «Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолиимизнинг амалга ошираётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормоқда».

Шу билан бирга, тинчлик ва барқарорлик кундалик ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. Тинч-тотув яшаш инсонийликдан экани ҳақида буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий шундай ёзган эди: «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим». Демак, тинчликнинг қадр-қиммати, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир.

XX асрнинг ўзида иккита жаҳон уруши ва унинг даҳшатли оқибатларини бошидан кечирган кишилик жамияти томонидан бутунги кунда Ер юзида тинчликни барқарор қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса инсоният томонидан тинчлик ва хотиржамликнинг бирламчи ҳаётий эҳтиёж, тараққиётни таъминлашнинг зарурий шарти экани англаб етилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида тизимли ва тадрижий ишлар олиб борилмоқда. Бу давлатимиз суверенитети, тинчлиги ва барқарорлиги, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Айни пайтда осуда ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган ёвуз кучларнинг мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, тинчликни асраш, уни авайлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан саналади. Шу билан бирга, ўсиб келаётган авлод онгида инсоннинг эртанги куни ва жамият истиқболи учун дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва бу борадаги гоёвий-тарбиявий ишларни тизимли ташкил этиш глобал ҳаётӣ-амалий аҳамият касб этаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Тинчликни сақлаш учун ҳар бир киши масъул, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Хусусан, ҳалол меҳнат билан сифатли ва мўл ҳосил етиштирган деҳқон, одамлар ёки юкларни қоидаларга амал қилган ҳолда бешикаст, эсон-омон ўз манзилига етказиш оддий ҳайдовчининг барқарорлик ва осуда ҳаётни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Демак, ўз касби ва бурчига виждонан ёндашув тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Юрт тақдири учун дахлдорлик туйғусини ҳис этишда ҳушёрлик ва огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардига дармон бўлишдан иборат» деб билган Соҳибқирон Амир Темурнинг «Тажрибамда қурилганким, азми қатъий, тadbиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзларида ҳам ана шу фикр узининг ифодасини топган.

Халқимизнинг асрлар оша тўплаган тажрибасини ихчам тарзда ифодалаган мақолларда ҳам ана шу ҳақиқат акс этган. Жумладан, «Офат кўрмай десанг, ҳушёр бўл», «Эҳтиётнинг бўлса, эҳтиёжинг бўлмас» каби мақолларда ҳушёрликнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни нақалар юқори баҳолаганини кўриш мумкин. Ҳушёрликни таъминлашда кичик, майда-чуйда нарсаларнинг ўзи бўлмайди. «Бир гутурт бир қишлоқни ёндиради», «Бир таёқ бошни ёради» каби халқ донишмандлиги намуналарида бундай эътиборсизликнинг инсон ва жамият ҳаётида қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги узининг яққол ифодасини топган.

Шундай бўлса-да, афсуски, ҳаётимизда ҳали-ҳануз беғамлик, лоқайдлик, содир бўлаётган ҳодисаларни кўриб, кўрмасликка олиш каби иллатлар мавжудлигини, орамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашни фақат давлатнинг иши, «бунинг менга дахли йўқ» деб ўйлайдиганлар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Машҳур адиб

лардан бири «Лоқайдлик дунёдаги энг кучли зилзила ва бўронлардан ҳам ёмон душмандир!» деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, бепарволик ва бегамлик барча даврларда юзага келган кулфат ва мусибатларнинг асосий сабаби бўлган. Донишмандлардан бирининг «Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бироқ, бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли Ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади», деган фикрлари ҳам лоқайдлик ва бефарқлик келтириб чиқарадиган оқибатларнинг даҳшатини тасаввур қилиш имконини беради.

Ҳар бир халқ, ҳар бир инсон учун бебаҳо неъмат, улуг саодат

ҳисобланган тинчликка ўз-ўзидан — фақат хоҳиш-истак, орзу-умид билан эришиб бўлмайди. Тинчлик ва осойишталик доимий ва қатъий ҳаракатларни талаб этади. Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан бажариши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиши, ўз атрофида бўлаётган воқеаларга тегаран нигоҳ билан қараб, барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини мустаҳкамлаб бориши, Ватан тинчлиги йўлида ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаши аجدодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидай асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунингдек, ёшларимизнинг онгу қалбини жаҳолат, ёт ва зарарли гоялардан ҳимоя қилиш, соғлом эътиқодни шакллантириш ҳам юрт тинчлиги учун курашнинг узвий қисми саналади.

Илёс МИРЗИЁТОВ

2010-yil — *Barkamol avlod yili*

